

## **“ТАРАҚҚИЙ” ВА “ХУРШИД” ГАЗЕТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ**

**Базарбаева Шоҳсанам Муратовна**

Чирчиқ давлат педагогика университети тузилмасидаги

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи

АКТ бўйича бош мутахассис.

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада жаҳид наирлари, газета ва журналларнинг жамият ривожига ўрни ёритиб берилган. Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихини ўрганишда даврий матбуот материаллари катта аҳамиятга эга, зеро, муҳим тарихий маълумотлар билан бирга, унда воқеа замондошларининг ва гувоҳларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда жараёнларга муносабати мужассамлашганлиги унинг нафақат тарихий манба сифатида, балки ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашларни акс эттирган объект сифатида уларга нисбатан жамиятнинг турли тоифа вакиллари муносабатини аниқлаш имконини беради. Матбуот материалларининг бу хусусияти ўша даврдаги мураккаб ва зиддиятли жараёнлар динамикасини кузатишга, унинг ўзгариб боришини ўрганишга ёрдам беради.*

**Калит сўзлар:** Туркистон, жаҳидлар, миллат тараққийпарварлари, матбуот, газета, журнал, ўзбек тили, “Тараққий” газетаси, “Хурийд” газетаси.

## **“TARAKKIY” AND “KHURSHID” NEWSPAPERS AND THEIR ROLE IN THE SOCIAL AND POLITICAL LIFE OF TURKESTAN**

**Bazarbaeva Shohsanam Muratovna**

Chief ICT specialist of the museum "Memorial of Repression Victims" in the structure of Chirchik State Pedagogical University.

### **ABSTRACT**

*This article analyses the role of Jadids' publications, newspapers, and magazines in the development of society. In the study of the history of the colonial period of Uzbekistan, periodical press materials are of great importance. Along with important historical information, the fact that it embodies the opinions and reactions of contemporaries and witnesses to the process increases its importance as a historical source. Also, these sources make it possible to determine the attitude of representatives of different categories of society towards them as an object that reflects the socio-political views of that time. This feature of press materials helps to*

observe the dynamics of complex and conflicting processes of that time, to study its changes.

**Key words:** *Turkestan, Jadids, nation's progressives, periodical press, newspaper, magazine, Uzbek language, "Taraqqiy" newspaper, "Khurshid" newspaper.*

## **ГАЗЕТЫ “ТАРАККИЙ” И “ХУРШИД” И ИХ МЕСТО В СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ТУРКЕСТАНА**

**Базарбаева Шохсанам Муратовна**

Музей "Мемориал жертв репрессий"

При Чирчикском государственном педагогическом университете Главный специалист по ИКТ

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье освещается роль джадидских изданий, таких как газеты и журналы, в развитии общества. В изучении истории колониального периода Узбекистана большое значение имеют материалы периодической печати, так как в них, наряду с важными историческими сведениями, нашли свое отражение мнения и реакция современников и свидетелей событий не только в качестве исторического источника, но и как объект, отражающий общественно-политические взгляды того времени, а также позволяющий определить отношение представителей разных слоев общества. Эта особенность материалов прессы помогает наблюдать за динамикой сложных и противоречивых процессов того времени и изучать его изменения.*

**Ключевые слова:** *Туркестан, джадиды, прогрессисты, печать, газета, журнал, узбекский язык, газета «Тараққий», газета «Хуришид».*

### **КИРИШ**

Жадидларимиз матбуот орқали жамиятни ва инсонлар онгини ўстириш ва ривожлантиришни олий мақсад қилиб қўйишган. Миллат тараққийпарварларнинг жамиятни янгилаш дастурининг катта қисми таълимни ислоҳ қилиш, хулқ-атвор маданиятини қайта шакллантириш, ҳаёт ва диний тартибни тўғри ташкил этишга бағишланган. Улар мусулмон маданияти қандай бўлиши керак – диний аҳкомлар доираси билан чекланиши ёки инсоният маданиятининг умуминсоний тушунчалар ва кадриятларга асосланган тараққиётга мувофиқ ривожланиши керакми деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилишди. Бу газеталар саҳифаларида нашр этилган мақолаларда, М. Бехбудий, А. Фитрат, А. Авлоний, Чўлпон ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди.

Маиший маданият, аёллар мавқеи ва уларга бўлган муносабат, маориф ва театрнинг ўзига хос роли уларнинг асарлари ва мақолаларида акс этган асосий мавзулар бўлган. Ушбу масалаларни ўрганиб чиқиш ягона мақсадга – янги ҳаёт тартибини сингдириш орқали аҳолининг маданий тафаккурини уйғотишга хизмат қилган. Тил масаласи ва хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Аммо бу каби мақолалар нисбатан юқори ақлий салоҳиятга эга ўқувчиларга мўлжалланган эди.

Газета саҳифаларида бошқа жаҳид нашрлари каби, биринчи навбатда, жаҳид мактабларини такомиллаштириш масаласи муҳокама қилинган. Жаҳидлар рус-тузем мактаблари фаолиятига салбий баҳо беришган. Бу мактабларни очар экан, Россия империяси ҳукумати нафақат аҳолини руслаштиришни, балки Туркистондаги империя маъмуриятининг ёрдамчилари сифатида маҳаллий аҳоли орасидан рус тилини билувчи бутун бошли хизматчилар жамоасини тайёрлаш ва тарбиялашни мақсад қилган.

Жаҳидларни айниқса, аёлларнинг ҳолати ташвишга солган. Лекин бу эски қарашларни қайта кўздан кечириш ёки эркаклар билан тенгҳуқуқлилик ўрнатишга ва уларни ижтимоий майдонга чиқаришга чақириқ эмасди. Аёлларнинг оғир ижтимоий ва маиший аҳволини англаган ҳолда жаҳидлар фақат оналик бурчи, ўқимишли аёлгина жамиятнинг тўлақонли аъзосини тарбиялаши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазалар билан чекланганлар. Улар ҳақли равишда Туркистон келажаги ҳисобланмиш болалар тарбияси оналар қўлида; она қанча ўқимишли бўлса, ёш авлод ҳам шунча ўқимишли бўлади деб билганлар.<sup>1</sup>

Газетада турмуш тарзи ва урф-одатлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, тўй ва дафн маросимларида ҳаддан ортиқ исрофгарчилик танқид остига олинган. М. Бехбудий бошчилигидаги Туркистон жаҳидларининг ушбу қусурларга қарши курашган, руҳонийларнинг фатвосини олишгача борилган.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Тадқиқот жараёнида С. Шодмонованинг “Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида”, Зиё Саидининг Танланган асарлар, А. Авлонийнинг “Бугунги ўзбек вақтли матбуоти тарихи”, Д. Алимованинг “Жаҳидчилик феномени” китоблари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган газета ва журнал мақолаларидан фойдаланилди. Мақолани ёзиш давомида назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, мантиқийлик тамойиллари қўлланилди.

<sup>1</sup> Д. Алимова. Жаҳидчилик феномени. Тошкент, “Академнашр” 2022. 73-74 бетлар.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Туркистоннинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихини ёритишда ўша давр матбуоти муҳим манба сифатида алоҳида эътиборга лойиқдир. Зеро, даврий матбуот янги тарихий даврда пайдо бўлган манбалардан бири сифатида ўша замондаги барча жараёнларни ўзида акс эттирган муҳим маълумотлар, турлича қарашларни мужассамлаштирган бу давр матбуоти газеталар ва журналлар нашларидан иборат бўлиб, улар орасида газеталар алоҳида ўрин тутди.

Туркистонда ўзбек тилидаги дастлабки хусусий газеталарнинг пайдо бўлиши 1905-1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби даврига тўғри келади. Бу инқилоб таъсири натижасида Россия империяси ҳукумати матбуот соҳасида ҳам ён беришга мажбур бўлган. Бундай вазиятдан фойдаланган Туркистоннинг миллий тараққийпарвар кучлари ўз дунёқарашлари ва фикрларини матбуот орқали халққа етказишга ҳаракат қила бошладилар. Халқни жаҳолат ботқоғидан чиқариш ҳамда мамлакатни тараққиёт йўлига бошлашда матбуот қудратли восита эканлигини англаган жадидлар газета нашр қилишда рус матбуоти ва Россия империясининг турли ҳудудларидан татар тилида чиқарилган газеталар, айниқса Исмоилбек Гаспирали муҳаррирлигида чиққан “Таржимон” газетасининг иш тажрибасига таяндилар.<sup>2</sup> Миллий зиёлилар матбуотнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини яхши англаган ҳолда миллатнинг моддий ва маънавий тараққиётга етиштириш учун муҳим чора миллий матбуот эканлигини таъкидлаганлар ва халқни газета ўқишга чақирганлар, яъни бу билан халқнинг ижтимоий онгини оширишга ҳаракат қилганлар. Матбуот миллатни бир ёқадан бош чиқариб, тараққиёт йўлида бирлаштира олишига ишонганлар.

Жадид тараққийпарварлари нашр қилган дастлабки газеталардан бири “Тараққий” газетаси бўлиб, у Иван Гейернинг “Ўрта Осиёнинг умргузорлиги тараққий” газетасининг ўрнига, ундан қолган маблағ ҳисобига чиқарилган. Иван Гейер муҳаррирлигида чиқарилган “Тараққий” газетасининг 17 та сони чоп этилган. Кейинчалик муштарийлардан, реклама ва эълонлардан тушган пуллар эвазига чоп этилган. Бу газетанинг биринчи сони 1906 йил 14 июнда В. Ильиннинг хусусий босмахонасида босиб чиқарилган. Унинг муҳаррири ва ношири татар зиёлиси Исмоил Обидин эди.<sup>3</sup> Газетанинг бош мақсади миллатни тараққиёт йўлига олиб чиқиш бўлган. Бу ҳақда газетанинг илк сонидан куйидагилар таъкидланган: “Газетамиз “Тараққий” номинда ўлиб, бора-бора

<sup>2</sup> С. Шодмонова. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Тошкент, “Янги нашр” 2011. 48-49 бетлар.

<sup>3</sup> Зиё Саид. Танланган асарлар. Тошкент. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 34-бет.

жисми ҳам исмига мувофиқ ўлуб, миллатимизни “кейин” бормоғига асло рози эмас дурмиз. Бақадри имкон миллати исломни олий даражада ўлмоғига ва миллати исломдаги тижорат, касб ва корнинг ортмоғига йўл излаб ижтиҳод қилур”.<sup>4</sup> Газета фаолиятида Шокир Мухторий, Исмоил Алиев, Мунаввар Қори Абдурашидхоновлар иштирок этишган. Мазкур газетанинг биринчи сони “Таржимон” газетасининг таҳририятига ҳам етиб боради ва ушбу газета Туркистоннинг бундай тараққийпарвар газетага кўпдан бери эҳтиёжи мавжудлигини қайд этиб, “Тараққий” газетасининг маслағи тараққийпарварлик эканлиги таъкидланади. “Тараққий”да босилган мақола ва хабарларнинг мазмуни асосан илғор ғояларни тарқатиш, мустамлакачи ҳокимият томонидан маҳаллий аҳолининг камситилиши ва Туркистонни тараққиётга эриштириш йуллари тўғрисида эди. Газетанинг 20 та сони чиқади ҳамда ҳукумат томонидан “маҳаллий аҳолини революцион ҳаракатга қатнашишга даъват этувчи мақолалар чоп этгани учун” тўхтатилди. Мухаррири Исмоил Обидийга жарима солинди ва ўлкадан чиқариб юборишга қарор килинди. Бу газетанинг Туркистон ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўзбек маърифатпарварларидан бири Абдулла Авлоний шундай деб ёзган эди: “Бу газета элнинг севиб ўқий турган бир газетаси бўла олди. Бу газета ўша замон мусулмон газеталари ичида энг сўли бўлиб, ҳукуматга ва унинг маъмуриятига қарши ўт очди. Бу газета ерли ёш ёзувчиларга саҳифасидан кенг ўрин берди”.<sup>5</sup>

Маърифатпарварлар халқ орасида илм-маърифат тарқатиш, онгини ўстириш мақсадида турли хил газеталар чоп эттиришни давом эттирдилар. Улардан яъна бири “Хуршид” газетаси эди. “Хуршид” газетаси 1906 йил сентябрь ойида дунё юзини кўради. Газета ҳафтада бир марта тош босма, литография усулида чоп этилган. Мухаррири Мунаввар Қори Абдурашидхонов, муҳаррир ёрдамчиси Фансураллоҳбек Худоёрхонов ва котиби Муҳаммад Раҳимхожи Муҳиддинхўжаев эди.<sup>6</sup>

“Хуршид” газетаси ҳам, миллат ва юрт манфаатини химоя қилишни, уни тараққиётга олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган. Бу газетанинг чиқарилиш мақсади тўғрисида Фансураллоҳбек Худоёрхонов қуйидагиларни ёзади: “Дунёдаги мусулмонларни бир-бирлари билан таништириб туради, янги мактаб ва мадраса ислоҳи йўлида уринади ва уларга раҳбарлик қилади”.<sup>7</sup> “Таржимон” газетаси “Хуршид” газетасининг чиқишини хурсандчилик билан кутиб олган ҳолда, “Ўрта Осиёлилар тушунадиган маҳаллий шевадан бўлиши билан бирга

<sup>4</sup> Тараққий. 1906. №1.

<sup>5</sup> Авлоний А. Бугунги ўзбек вақтли матбуоти тарихи // Миллий уйғониш. Тошкент. 1993. 116-бет.

<sup>6</sup> Худоёрхонов Ф. Сабаби тулуи хуршид // Хуршид. 1906. № 2.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

очиқ туркча” тилда чиққани учун уни табрик этади ҳамда газета мухаррирининг мақсади шахсий фойда кўриш бўлмай, балки мусулмонларни замонавий аҳвол билан таништириб, ғафлат уйқусидан уйғотиш эканлигини эътироф этади.<sup>8</sup>

Бошқа жадид газеталари каби мазкур газета ҳам ҳукумат томонидан мунтазам равишда синчиклаб текшириб борилиши, агар “тўғрийўналиш” дан чиққудек бўлса, дарҳол Туркистон генерал-губернаторини хабардор қилиш вазифаси қўйилган. “Хуршид” газетаси 10- сонигача чиққач, ҳукуматга қарши мақолалар чоп этганликда айбланиб, Туркистон генерал-губернаторининг фармоиши билан таъқиқланган, бу ҳақда “Таржимон” газетаси ҳам хабар қилган. Унинг обуначилари 300 дан ортиқ бўлган.<sup>9</sup> Туркистон маърифатпарварлари ўз фикр ва қарашларини халққа етказиш учун доимо ахборот воситасига эҳтиёж сезар эдилар. Жадидлар учун бир минбар бўлган “Хуршид” газетаси ёпилганидан сўнг улар газетасиз қолган эдилар ва бу улар учун жуда аянчли ҳолат эди.

Жадидларнинг дастлабки газеталари таъқиб ва тазйиқлар натижасида узоқ умр кўрмаган бўлса ҳам, бу газеталар Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди. “Садои Туркистон” газетасида жадидларнинг дастлабки газеталари тўғрисида фикрлар билдирилган эди. Хусусан, Рауф Музаффарзоданинг мақоласида таъкидланишича, Туркистонда нашр этилган дастлабки миллий газеталарнинг умри жуда қисқа бўлиб, уларнинг тез ёпилишига сабаблардан бири уларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан таъмин қилинмаганида эди: “Бойларимиз ҳимоя ва ёрдам этмадилар, мухаррирлар ёзмадилар, халқ ўқимади. Ул вақтларда миллий жаридаларимиз бутун Туркистон шаҳарларига бир минг миқдорда тарқалур эди”.<sup>10</sup>

## **ХУЛОСА**

Газета саҳифаларида босилган мақолалар ҳамда хабарлар ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган. Улар Туркистон тарихининг маданий-маърифий ва ижтимоий масалаларини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб қолади. Чунки бу газета ўша давр руҳини, ижтимоий фикр ривожланишини ўзида мужассамлаштирганки, бундай маълумотларни бошқа манбалардан топиш қийин, албатта. Бу газеталар нафақат Тошкентда, балки Туркистоннинг бошқа жойларида ҳам тараққийпарвар кучларга ўз ғояларини ва қарашларини тарқатиш учун минбар керак эканлигини билдирди ва шу эҳтиёж ҳисобига

<sup>8</sup> Таржимон. 1906. №107 / Исмоилбек Гаспринский. Хаёт ва мамот масаласи. Тошкент, Маънавият, 2006. 111-112 бетлар.

<sup>9</sup> ЎзР МДА, 461-жамғарма, 2-рўйхат, 1988-иш, 165-варақ.

<sup>10</sup> Рауф Музаффарзода. Бизда зиёлилар ва миллий матбуот // Садои Туркистон. – 1914. - №44.

юзага келган. Умуман, жадидлар миллий матбуотнинг аҳамиятини жуда яхши тушунган эдилар. “Садои Туркистон” газетасида ёзилишича, “миллатда ҳиммат аҳллари ва зиёлилар кўпайтирмак учун икки йўл бор: бири миллий матбуотни тараққий этдирмоқ, иккинчиси ёшларимизни мунтазам илм уйларига киргизмоқдир”. Шунингдек, мазкур мақолада миллатни моддий ва маънавий ривожлантириш воситаси сифатида энг муҳим ва умидли чора миллий матбуот эканлиги ҳамда она тилимиз ва миллий матбуотсиз дунёда ҳеч бир миллат тараққиёт ва маданият йўлига қадам қўймаслиги таъкидланган.

### **REFERENCES**

1. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. “Янги нашр”, Тошкент, 2011.
2. Зиё Саид. Танланган асарлар. Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974.
3. А. Авлоний. Бугунги ўзбек вақтли матбуоти тарихи. Миллий уйғониш, Тошкент, 1993.
4. Алимова Д. Жадидчилик феномени. Академнашр, Тошкент, 2022.
5. Таржимоин. 1906, №107. Исмоилбек Гаспринский. Ҳаёт ва мамот масаласи. Маънавият, Тошкент, 2006.
6. Тараққий. 1906, №1.
7. Худоёрхонов Ф. Сабаби тулуий хуршид . Хуршид. 1906, № 2.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 461-жамғарма, 2-рўйхат, 1988-иш, 165-вароқ.
9. Рауф Музаффарзода. Бизда зиёлийлар ва миллий матбуот. Садои Туркистон. 1914, №44.